

---

## ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ПОЙДЕВОРДИР

Учкўприк тумани ҳокими Ақмалжон Маҳмудалиев 55-умумий ўрта таълим мактаби фаолияти билан танишди.

Мазкур таълим масканида бугунги кунда 630 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 42 нафар устоз-педагоглар сабоқ беришади.

Туман ҳокими таълим-тарбия жараёни, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, ўқув дарслари ва тўғараклар фаолияти билан қизиқди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот қилиб, улар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганди.

Мактаб кутубхонасида 900 дан ортиқ бадиий, илмий-оммабоп китоблар, 10 мингга яқин электрон қўлланмалар мавжуд. Туман ҳокими кутубхона фаолияти билан танишиш асносида китоб фондини янада бойитиш мақсадида мактабга ҳокимлик томонидан янги адабиётлар олиб берилишини маълум қилди.

Мактабнинг компьютерлар билан таъминланиш ҳолати ўрганилиб, информатика хонаси учун 5 та замонавий компьютерлар тўплами етказиб берилди.

2021-03-23 09:57:35